

Өзбекистан Республикасы
Халық билимлендириў министрлиги

Әжинияз атындағы

Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

2016-жыл «Саламат ана ҳәм бала жылы»на
бағышланған «Илим ҳәм тәлим-тәрбияның
әҳмийетли мәселелери» атамасындағы
Республикалық илимий теориялық
хәм әмелий конференция
МАТЕРИАЛЛАРЫ

2016 йил «Соғлом она ва бола йили»га
бағишланған «Фан ва таълим-тарбиянинг
долзарб масалалари» мавзусидаги
Республика илмий-назарий ва
амалий анжуман
МАТЕРИАЛЛАРИ

I бөлим

Нөкис - 2016

одамгарчилик, мурувват ва саховат, раҳм-шавқат, меҳр-оқибат, иймон-эътиқод, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, поклик, табиатни эъзозлаш, илм ва фанни, адабиёт ва санъатни, маданиятни севиб ардоқлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат, ўзи ва ўзга миллат кишиларини, уларнинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш ва кадрлаш хислатларини тарбиялаш жамиятимиз тарақиёти учун зарур бўлган ёшларни ҳар томонама етуқ баркамол шахс сифатида шакллантиришнинг асосидир.



МИЛЛИЙ МАҚОЛ ВА ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРНИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**У. Атажанов - магистрант, А. Абдикеримов - магистрант
НДПИ, миллий истиқлол ғояси; маънавият ва ҳуқуқ таълими
кафедраси**

*Кишига неча келса мушкул ҳол,
Ҳикмату ақл анга эрур ҳаллол.
Кимники билай десанг мақолин англа,
Аслин десанг англайн фиолин англа.
Алишер Навоий*

Ҳозирги глобаллашган давр ҳақида айтганда “бугин биз тез суратлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз” дейди президентимиз И.А.Каримов. Албатта, бундай мураккаб бир даврда, энг аввало, ҳозирда ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Негаки, буюк ўзбек алломаси, мутаффакир А.Авлоний айтганларидек “тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидур”. Бу масала ҳар бир таълим-тарбия берувчи шахсдан катта маъсулият ва педагогик маҳоратни шу билан бирга сергакликни талаб қилади. Ёш авлод келажаги бу жамиятимиз ва давлатимизнинг келажагини белгилаб берувчи асосий ўлчов, мезонидир. Бунда таълим-тарбия жараёни орқали уларнинг қалби ва онгига кириб бориш масаласи аҳамиятли ва зарурий шароитлардан биридир. Бунга президентимизнинг “ инсон қалбига ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжлари , замон талаблари асосида янада кучайтиришимиз, янги босқичларга кўтаришимиз зарур” деган сўзлари асос бўла олади. Инсон қалбига йўл, албатта, энг аввало таълим-тарбиядан бошланади. Ана шу олинган таълим-тарбия инсонни камолот сари етаклаб, уни шахс сифатида намоён қилишга имконият беради.

Бизнинг шарқона ҳаёт, шарқона фалсафада таълим-тарбия жараёнида миллий меросимиз сарчашмалари бўлмиш халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлардан фойдаланиш санъати ота-боболаримиздан келаётган қадрият ва

анъаналаримиздан биридир. Буни таниқли европалик шарқшунос олим Герман Вамбери XIX аср иккинчи ярмида Ўрта Осиёга қилган сафарлари таъсуротларини “Бухоро ёхуд Мовараунахр тарихи” асарида ёзиб қолдириб, “...шарқ қадимдан шеърят туйғулари ўлкаси, ... Сахро ўғлони “оталар сўзи”ни ҳамиша юзига жиддий тус кирган ҳолда тинглайди. Мақолларни ёзма тилда ҳам, жонли тилда ҳам учратиш эшитиш мумкин... ”, - деб ёзиб қолдирган эди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозим, таълим-тарбия жараёнида миллий мақол ва ҳикматли сўзлардан фойдаланиш санъати ўқувчи шахсининг онги ва қалбига яхшигина таъсир этиш кучига эга бўлади. Негаки, нутқимиздаги миллий мақол ва ҳикматлар инсонни чуқур ўйлашга ва мулоҳаза этишга ундайдиган ва керак бўлса шунга мажбурлайдиган энг таъсирчан кучига эга бўлган экспрессив қуроллардан биридир. Бу ҳақда “Барча кишининг кучи овқатдандир, ақлнинг кучи ҳикматдандир” дейди Аристотель. Шундай экан, таълим-тарбиянинг дидактик жараёнларида миллий мақол ва ҳикматлардан фойдаланиш ўқувчининг маънавий ва руҳий оламига кучли таъсир ўтказиб, таълим жараёнининг ижобий натижасини кўтариш билан бир қаторда, ўсиб келаётган ёш авлод миллий меросларимиздан баҳраманд бўлиб, уларда миллий ўзликни англаш туйғусини уйғотади. Ўзликни англаш, у билан ҳамнафас яшаш эса глобаллашган дунёда маънавий таҳдидларда шахс онгида миллийлигимизга ёт бўлган, қадриятларимизга путур етказадиган ҳар қандай бузғунчи ғоя ва мафкураларга қарши миллий руҳда шаклланган мафкуравий иммунитет пайдо бўлишига хизмат қилади.

Шу ўринда миллий мақол ва ҳикматли сўзлардан айримларини келтириб ва уларни таҳлил қилиб, дарс жараёнида фойдаланиш имкониятларини келтириб ўтсак. Халқимизда “ Бўш келгани - бўри ер” мақоли инсонни, шахсни жасоратли, кўркмас, довюрак бўлиш лозимлиги маъноларини ўзида мужассамлаштиради, “Дарахт соп бермаса-болта кесолмас” мақоли эса “ўзингдан чиққан балога-қайда борай давога” каби тақлидидаги маъноларни бериб, у юрт ичидан чиққан сотқинлик, хоинлик иллатларини қоралаб, бу иш нақадар тубанлик эканлиги ва бунинг оқибати инсон ва жамиятни қийин аҳволга солиб қўйишини назарда тутаяди ва шу билан бир қаторда, шахсда она Ватан, юрт, халқ олдида маъсулият ва жавобгарлик ҳиссини пайдо қилиб, Ватанга, юртга, халқга содиқлик туйғусини уйғотади. “Душман битса ҳам-душманлик битмас” яъни, “ари ўлса ҳам у ўзида захарли нишини сақлаб қолади” деганларидек шахсни бугинги таҳликали дунёда хушёр ва сергак бўлишга ундайди. Сергаклик ва хушёрлик эса давр талабидир. (бу мақолни ўқитувчи шахси 7-синф “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанидаги 11-12 дарсларидаги “Огоҳлик ва сергаклик” мавзусида фойдаланиш имконияти бор). “Ёвни аяган яра ер, калтагини сара ер” мақоли душман ва ватан хоинларини аямасликни, ғафлат гирдобига тушмасликни айтиб ўтади. “Кенг бўлган-кенг яшар, кенг бўлган-тенг яшар” мақоли ҳар бир шахсни умуминсоний қадриятлардан бири бўлмиш - толерантлик ғояси асосида яшашга ундайди (ушбу мақолни эса ўқитувчи шахси 8-синф “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанидаги 11,12,13,14,15 дарсларидаги

“Ижтимоий ҳамкорлик”, “Миллатлараро тотувлик”, “Динлараро бағрикенглик” мавзуларида фойдаланиш имконияти мавжуд). “Оти йўқ-арпа ғамин емас” деган ҳикмати шахсни маъсулят туйғусини уйғотиб, инсонни ғамсиз, лоқайд бўлмасликка чорласа, “Ўз уйингнинг хушлиғи - оёқ-қўлинг бўшлиғи” мақоли ёш авлодда ватанпарварлик туйғусини уйғотиб, уларни миллий руҳда тарбиялашга хизмат қилади. (ушбу мақолни эса ўқитувчи шахси 6-синф “Ватан туйғуси” фанидаги 15,16 дарсларидаги “Ватанпарварлик”, “Ватанни улуғлаш”, мавзуларида, 8-синф “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанидаги 5 дарсидаги “Ватан равнақи” мавзуларида фойдаланиш имконияти мавжуд).

Хулоса қилиб айтганда, таълим-тарбия жараёнида ота-боболаримиздан анъана бўлиб келаётган дастурий тарбия усуллари билан бири бўлган миллий мақол ва ҳикматли сўзлардан замонавий таълимда оқилона ва тўғри фойдалана билсак, бу албатта, таълимнинг самарадорлигини оширади ва шу билан бир қаторда глобаллашиш жараёнида миллий маънавият ва маданиятимизнинг ўзига хослигини асраб қолишга хизмат қилади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов.Юксак маънавият – энгилмас куч.Тошкент.2008й
2. Ш.Шомақсудов,Ш.Шораҳмедов.Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. Тошкент.1990й
3. Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани 7,8-синф мактаб дарсликлари.Тошкент.2015й
4. Ватан туйғуси фани 5,6-синф мактаб дарсликлари.Тошкент.2015й



ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИНГ ҲИМОЯЛАНИШИ ВА АЁЛЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗЛАР

Б. И. Арзиева

**НМПИ, Миллий идея, руўхыйлик тийкарлари хэм ҳуқық тәлими
кафедрасы**

Айрим тоифадаги ходимларга аёллар ва бошқа оилавий вазифаларни бажариш билан боғлиқ шахсларга қўшимча кафолат ва имтиёзлар берилади. Хомиладор ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади.

Маъмурият барча ишчи ва хизматчилар учун ҳавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини таъмин этиш билан бирга аёллар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиши лозим.

Хомиладор аёлларни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни, 14 ёшга тўлмаган боласи бор (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор) ёлғиз оналарни ишга қабул қилишни рад этиш ва шуни баҳона қилган ҳолда уларнинг иш ҳақини камайтириш қонун билан тақиқланади. Ана шу тоифа аёлларни ишга қабул қилишни рад этган тақдирда маъмурият бунинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Ишга қабул қилишни рад этиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Хомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни, 14 ёшга тўлмаган боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор ёлғиз оналарни маъмурият ташбуси билан ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди, корхона

Omonov A.R., Abduraxmonov P.M. Milliy iqtisodiyotni rivojlantirishda issiqxona tizimi.....	140
Seytkasimov J. Globallasiv sharayatinda a'dep-ikramliliqqa qa'wip.....	141
Бекпўлатов У., Мухторова Г. Глобаллашув шароитида “инсон-табиат” ўзаро муносабатларини гармониклаштириш масалалари.....	143
Шерназарова Р., Ўролов А. Таълим жараёнида ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг долзарб масалалари.....	147
Reymbaev R. O`rta maxsus va umumta`lim maktablarida tarix darslarini o`qitishda o`quvchilarni vatanparvarlik va milliy qadriyatlar ruhida tarbiyalashning o`ziga hos xususiyatlari	149
Рахимов Б., Назарова Б. Бўлажак ўқитувчиларда креатив ёндашув асосида тадқиқотчилик лаёқатини тарбиялашда шахсий сифатларининг тутган ўрни.....	151
Хожимуродова Р., Жабборова С., Холикова С. Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил ишларни ташкил этиш масалалари	156
Хужаниёзова О., Қурбонов Ж. Рахимова Д. Бўлажак педагог-тарбиячиларда маънавий -ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	158
Атажанов У., Абдикеримов А. Миллий мақол ва ҳикматли сўзларни таълим-тарбия жараёнида фойдаланишнинг аҳамияти.....	162
Арзиева Б.И. Оналик ва болаликнинг ҳимояланиши ва аёлларга бериладиган имтиёзлар.....	164
Арзиева Б.И. Ўзбекистон Республикасининг «васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида.....	166
Matnazarov N., Kudyarova T.A. Modulli oqitiw - ta`lim beriw texnologiyasinin' zamanago`y usili.....	167
Matnazarov N., Kudyarova T.A. Modulli ta`lim texnologiyasinin` mazmunini ha`m maqseti.....	169
Турганов Б.Қ. XIX -XX асирлер басында карақалпақ халқы өнерментшилиги	171